

кусан бор. 236 гектар егил-
нинн хар гектарында 4
центнердан хосил оlish учун
зиммаларига кускан мажбу
рийат олишган.

Мусобақадошлар колхоз
да ем-хашак этиштиришини
ахвали билан ҳам танишиш-
лар. Айникус, маканкажар
давлагдин мўл хосил этиш-
тириш учун зарур тадбир-
лар курилатганини да
хурсанд булдилар. Масала,
колхознинг Хамидулла, А
мели бoшлiг и бригадаси
31 гектарда 100 центнердан
кажжор урили дигин бил-
райтн. Хар гектаридан ка
деганда 75 центнердан
оlish учун кураш кетюди.

(Ташкент, 8-феврал)

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛМАНГ

(Бошқ 1-бетда).

Мусобақадорлар Назарали Нисозов номли колхозда бўлишига кўпроқ суғоришнинг иши билан қизиқдилар. Бу бекизи эмасди. Бу хўжалиқдагина эмас, бошқа кўпгина хўжалиқларда ҳам пахта майдонлари қиялиқ ерлардан иборат. Лекин шунга қарамай, мусобақадорлар кўллатиб юборилган ёки чаңатиб қўйилган пайкаларни ўқитмадилар. Ҳамма ерда гўза қондириб сугорилмоқда.

— Колхозда неча суғориш ишляпти?

— Ҳозирги кеча-кундузда 90 суғориш ишляпти, — деб жавоб берди колхоз раиси Қоранов, — уларнинг ишини икки сменада ташкил этганмиз.

Мусобақадорлар илгор суғориш Абдулмалик Мадалиев билан сўхбатлашдилар.

— Нечанчи сув қўйилмоқда?

— Тўртинчи суғориш тугаллаш арафасида.

— Августнинг қолган кунларида яна неча марта сув беришни мўлжаллаялсиз?

— Кам деганда 1,5 марта сув қўямиз.

Сўнг суғориш ўз тажриблари ҳақида гапириб берди: аввало кўзда ер ҳайдаш вақтида пахта даладарини текислашга катта эътибор берилди. Карталарнинг жойлашишга қараб, ўқариқлар олинади. Суғориш пайтида механизаторлар билан бамаслаҳат, ҳамкорликда иш юритилади. Биз кўпроқ гўзани тунда суғоришга эътибор берамиз. Бунинг фойдаси катта. Гўза қониб суғорилади. Сув тежаллади.

— Жуда соз, — деди Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалиқи министрининг пахтачилик бошқармасининг бошлиғи Саид Огадодов, — бизнинг колхозларда ҳам кўпгина майдонлар паст-баландлик

лардан иборат. Сизларнинг тажрибаларингизни деҳқонларимизга, албатта, сўзлаб берамиз.

Мусобақадорлар илгор суғориш меҳнат қилаётган Мирза Омонов бошлиқ бригада пахтазорларини кўздан кечириб эканлар деҳқонларнинг маҳоратига тан бердилар. Бу ерда 125 гектар майдонда пахта ўстирилмоқда. Ҳар гектаридан кам деганда 35 центнердан ҳосил олиш учун кураш бораётир.

— Ингир-теримга тайёрлик қандай борапти, — қизиқди мусобақадорлар.

— Ҳосилни асосан ўз қучимиз билан териб оламиз, — жавоб берди бригадир Мирза Омонов, — 100 гектар ери машина теримга ажратганмиз. Иккита терим машинаси ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйилди. Деҳқонларимиз шу кеча-кундузда асосий эътиборни гўзани ровотиб юбормасдан машина терим боп қилиб ўстиришга қаратмоқдалар.

Шу кунги озарбайжонлик мусобақадорлар райондаги «Октябрь», Ҳамроқул Турсуновлар номли колхозларда ҳам бўлидилар. Улар Турсуновлар номли колхозда бўлганларида колхоз ишлаб чиқаришининг ташкилотчи, ҳақиқий пахта устаси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Турсуновлар музейи билан қизиқ танишдилар.

Мусобақадорлар янгийўллик пахтакорларнинг 33 минг тонналик улкан хирмон учун олиб бораётган ишларига юқори баҳо бердилар. Айниқса, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули кенг жорий этилаётганлиги — гош фойдалди тадбир эканлигини, бу иш янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Мусобақадорлар уюшқларни кўрсатиш билан бирга қимматли маслаҳатлар бердилар. Айрим камчиликлар

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШГА—ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

● ЯНГИЙЎЛ райондаги «Интернационал» колхозининг Мирзаали Курбанов бошлиқ қилаётган ем-хашак етиштириш бригадаси аъзолари бу йил силос учун экилган маккажўхорида мўл ҳосил етиштирдилар.

Айни кунларда бригадда кўпоя ўрим-ингирни уюшқлик билан олиб боришмоқда. Коллектив озуқакорлари 86 гектар ерининг ҳар гектаридан ўртача 380 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Суратларда:




С73— ТАЖРИБАКОРЛАРГА

ЯНА ИККИ МАРТА ЎРАМИЗ

СОВХОЗИМИЗДА чорва қишлоғига тайёрларлик кўриш ҳар томонлама пушта олиб боришмоқда. Биринчи гада қишлоқ учун етарли миқдорда озуқа жамғаришга бутун диққат-эътибор қаратилмоқда. Айтишим мумкин, бу борадаги ишларимизда камчи эмас. Совхозимизда ем-хашак тайёрлаш билан махсус бригадалар шугуллана бошлашга, ишла кескин силжашга эришилди. Бунинг биринчи ўзимизнинг бригадаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз 140 гектар ерда беда, 45 гектар ерда силос учун, 67 гектар ерда дон учун маккажўхори ва 5 гектар ерда лавлага парвариш қилаемиз. Бу озуқа эканлигига ўз вақтида ишлов бериш, озиқлантириш туфайли мўл ҳосил олишга эришимиз. Масалан, ҳозирга беда ни 4 марта ўриб олдик. Ҳар гектар ердан олинган пичан 160 центнердан ошиб кетди. Мақсадимиз эса ҳосилдорлигини 200 центнерга етказиш. Бунинг олдиндан ҳисоб-китоб қилиб қўйганимиз. Агар беда ни яна икки марта ўриб олсак бу мажбурий



А. ЗУФАРОВ фотолари.

тимизни албатта бажарамиз. Беда ҳосилдорлигини ошириб бораётганлигимизнинг асосий омиллари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз биринчи навбатда беда экилган майдонларни кўздаёқ озиқлантирамиз, сугорамиз. Эрта баҳорда эса дарҳол бароналаб, минерал ўғитлар сеппилади. Кеммакет сугорамиз. Шунинг учун беда тез амал олиб ўсиб кетади. Ҳар 25—28 кун оралиғида бир ўрим ўтказаямиз. Ҳар ўримдан кейин гектарига 200 килограммдан азот бериб, икки марта сугорилмоқда. Беда ўрилганга 3—4 кун оралиғида дарҳол пичанинги йиғиштириб оламиз. Акс ҳолда озуқа таркибидagi қорамоллар учун керакли бўлган витаминлар нобуд бўлиши мумкин. Умуман биз қанчалар сифатли пичан жамғар

сак, уни қорамоллар шунчалар иштаҳа билан истеъмол қилади. Пировард натижада мўл гўшт-сут олинади.

Ҳозирги энг муҳим вазифалардан бири силос ўрими йиғиштириш. Бу борада етарли тажрибага эгамиз. Хандақларни ўрнимдан олдин мавсумга пушта тайёрлади. Техника воситаларини яна бир бор кўздан кечириб чиқдик. Энди ўрimgа киришиб силос бостиришга мўлжалланган хандақларни қисқа фурсатда тўлдириб, яхшилаб пресслаб, устидан махсус тайёрланган полиэтилен плёнкаси тортиб, тўпроқ билан қопқалаймиз. Ана шундай қилинганда бу қимматли озуқа сифатли сақланади. Мўлжаллаб чиқдик. 45 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 500 центнердан кўк масса

олинади. Дон учун экилган макканинг ҳосилдорлигини эса 70 центнерга, озуқа лавлагиси ҳосилдорлигини эса ўртача 600 центнерга етказамиз.

«НПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик» шiori остида бошланган мусобақага актив қўшилиб, меҳнат қилаётган бригадаси озуқакорлари айни кунларда барча имкониятларни тўла ишта солмоқдалар. Бутун куч сифатли пичан, силос тайёрлашга қаратилмоқда. Пешма-пеш эса дон учун маккажўхори ўрими йиғишнинг ҳам бошлаб юборамиз.

К. ДАВЛАТОВ,

Ғалаба райондаги Волков номли совхоз озуқа етиштириш бригадаси бошлиғи.



СУРАТДА: Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Чиноз райондаги Навоий номли колхозининг Абдуғаффор Акромов бошлиқ бригадаси дала-ларида. А. Зуфаров фотоси.

5,2 МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ НУР ИҚТИСОД ҚИЛИНДИ

Бўстонлик райондаги сановат қоронарлар, қурилиш, транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозларда материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Социалистик мусобақа қўлбларини белгилашда тежамкорликда эришилган натижалар ҳам алоҳида ҳисобга олишмоқда. Бу муҳим ишда яхши натижаларга эришяётган коллективлар, айрим ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Кўпчилик меҳнат коллективларида ҳар бир тонна

ТЕЖАМКОРЛИК—УМУМХАЛҚ ИШИ

ТАКЛИФЛАР САМАРАСИ

ЎН БИРИНЧИ беш йилликда Тошкент тўқимачилик комбинатини ишлаб чиқариш қувватларини ошириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд фабрика ва цехлар реконструкция қилинмоқда, янги ишлаб чиқариш қувватлари бунёд этилди. Бунинг учун кўпқабламоновий асбоб-ускуналар, потток линиялари, автоматик қурилмалар ўрнатилди.

Комбинатда техника тараққиётини жадаллаштиришга, мавжуд асбоб-ускуналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш жараёнидаги тақомиллаштириш, қўл меҳнати сарфини камайтиришга рационализаторлар

ва иштирокчилар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларининг ижодий изланишлари билан тўқув, йиғирув, ил ишлаб чиқаришларида кўпқаб қўлоқ участкаларини бартараф этишга, ил шароитларини яхшилашга эришдилар.

Комбинат янгилик ихлосмандлари ўн биринчи беш йиллик бошидан бери жуда кўп техникавий тадбирларни амалга ошириш ташаббускорлари бўлишди. Улар минглар тақлифлар билан чиқдилар. Шуларнинг 2,5 мингтадан кўпроғи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу коллективга кўп миқдорда иқтисодий сарфани кўриш имконини бермоқда. Ҳар йили тиниб-тинчимаслар юзларча минг сўмлик давлат маблағини тежаб қўлишга эришмоқдалар.

А. ГЕХТЛЯР.

КУНИГА 20—25 ТОННА

БўСТОНЛИК район хўжалиқлари мевazorлариди иш янада қизиқ кетди. Эл дастурхонига мўл-қўл олма, олхўри ва бошқа богдорчилик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида тер тўкаётган соҳибкорлар ҳосил йиғиш-теримини бошлаб юборишди. Хўжалиқлараро ташкил этилган мусобақада «Бўстонлик» совхозни богдонлари пешқадамликни қўлдан бермай келяптилар. Ўн бирин-

лари тўла ишта солиш совхозда етилган меваларни ўз вақтида териб олиш имконини бермоқда. Айни пайтда ҳар кунги шаҳарликларга 20—25 тоннадан олма, олхўри ва бошқа сархил маҳсулотлар етказиб беришмоқда.

А. ИБРОҲИМОВ.

ХАЛҚ ҲАМИША ЭСЛАЙДИ

КИМ ПЕН ХВАНинг домй ўрта Чирчиқ району ёки Тошкент областидагина эмас, балки бутун республикада ҳам маълум ва машҳурдир. У отанин коммунисти, камтарин нисон, тadbиркор раҳбар, колхоз тузумининг ус-

ХОТИРА КЕЧАСИ

та ташкилотчиларидан эди. Янгида унинг номи билан аталувчи колхоз клубида туғилган кунининг 80 йилгига мусобақати билан хотира кечаси бўлиб ўтди. Колхоз правлениеси раиси Т. Мадалиев Ким Пен Хванинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида кеча катташчиларга сўзлаб берди. Шундан сўнг колхоз тузумининг ветеранлари, Ким Пен Хва сафдошлари ва хўжалиқнинг илгор меҳнаткашлари минибарга чиқдиш. 59-мактаб директори М. В. Тин, Ким Пен Хва билан йиғинами икки йил бирга ишлаган бригада бошлиғи Х. Абдуқодиров, хўжалик пилвачилик бригадасининг бошлиғи Х. Мўминова ва бошқалар икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хванинг колхозини ри-

вожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги, у босиб ўтган катта ҳаёт ва меҳнат йўли барча ёшларга намуна мактаби бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ким Пен Хванинг ўстаси ва рафиқаси Пенсен Отай умр йўлдошининг хотирасини хураят билан ёлда олганлиги, учун колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва барча колхозчиларга қучур миннатдорчилик изҳор этди.

М. ХҲҲАЕВА.

ХАЛҚАРОАХВОЛ

ТИНЧИЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ДАЪВАТИ

БОНН. Германия Федератив Республикасида захарли моддаларни тўплашга қарши курашчилар федерал бирлашмаси ГФР территориясидан бу ерда жойлаштирилган Америка ҳарбий қурул-ларининг барчаси дарҳол ва бутунлай олиб чиқиб кети-лишини талаб қилди. ППА

«ҚАТТИҚ ТЕЖАШ» СИЁСАТИ САРИ

РИМ. Бу ерда Италия министрлар кенгашининг ағнавий ёзи қаниқулдан аввалги сўнги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 1986 йилга мўлжалланган молиявий йўналиш ҳукумат ҳужжатлари муҳомама қилинди. Бу қонун ҳукумат молиявий сиёсатини ва келгуси йилга давлат бюджетини белгиллаб беради.

Хабар қилинишича, Италия ҳукумати ўзининг келгуси йилга мўлжалланган

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ТАШВИШИ

ДЕХЛИ. Ҳиндистон ре-гионда ҳарбий базалар бар-по этилиши ва Ҳинд океани-нинг ҳарбийлаштирилиши унинг миллий хавфсизлиги-

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БАЙРУТ. Исроил босқинчилари ва уларнинг «Жанубий Ливан армияси» кўчирчоқлари суверен араб мамлакатига ҳужайилик қилишни давом эттирмоқдалар. Босқинчилар Набатиядан шарқда жойлашган Ар-руш қишлоғида ялпи қуруш ва тинтув ўтказдилар, ко-мендантлик соати жорий қилишди. Кфар-Гумма-неда ҳам жазо операцияси ўтказилди. Босқинчилар аввал ана шу аҳоли пунктини оғир тўнлардан ўққа тути-лар, сўнг у ерга бостириб кириб, аҳоли зич жойлашган кварталларни тартибсиз ўққа тутидилар. Агрессорнинг артиллерияси Араб-Олим аҳоли пунктини, шунингдек Набатиянинг баъзи районла-рини ваҳшиёна ўққа тутиди. Кўпгина уй-жойлар вайрон бўлди.

Исроил қўмондонлиги оккупация режимини абадий-

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

● БАҒДОД. 8 август. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида кўра, ўтган кун мобайнида Ироқ артиллерияси Эрон қўшинлари жамланган рай-онларга ва унинг позиция-ларига бутун фронт бўйлаб зарба бериш давом эттир-ди. Душман аскар ва техни-касига талафот етказилди.

Эроннинг узоққа отадиган тўплари Мандали шаҳрини ўққа тутиди. Турар-жой квар-талларида вайронгарчилик-лар бор.

● НИКОСИЯ. 8 август. (ТАСС). Эроннинг ИРНА ахборот агентлиги Ироқ қў-шинларининг ҳужум ҳара-катлари натижасида Ҳовай-за ботқоқлиги районида ра-



● Жанубий Африка Рес-публикасининг ирчи қар-бийлари Ангола ҳалқ рес-публикасига қарши янги аг-рессия бошлади. Ирқчилар қонунсиз равишда босиб

қибнин қарийб 50 квадрат километр территорияси бо-сиб олинганлигини хабар қилди. Ироқ армиясининг юздан ортқ солдати ва офицери ўлдирилган. Фронт-нинг бошқа участкаларида айрим ўқнашулар ва отиш-малар бўлган.

Ироқ артиллерияси Обо-дон ва Хуррамшаҳр шаҳар-ларини ўққа тутиши нати-жасида бу ерларда энгги-чиққан.

Ироқ армиясининг 54-бата-льони солдатлари Намибия-территориясиди.

Камера — пресс ТАСС фотоси.

БУГУН-ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

ОММАВИЙ
ТУС ОЛМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори партиянинг совет киши, унинг жисмоний ва маънавий кифасини уйғун тарзда камол топтириш тўғрисидаги донимий ғамхўрлигининг ишончли далилидир. Бу жуда муҳим ҳужжат партия, совет, касба союзу ва комсомол ташкилотлари учун маданий-оммавий, физкультура ҳамда соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш учун кенг ҳаракат программасидир. Яқинда бўлган актив йилгилишида биз ана шу қарорини бажариш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини белгилаб олди.

Айтиш керакки, физкультура ва спортни оммалаштириш, спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш масалалари кейинги йилларда кўпроқ диққат-эътиборимизда бўлади. 1982 йил 25 декабрда шаҳар партия-ҳўжалик актив йилгилишида ҳам кун тартибига махсус шу масала муҳокамасига қаратди. Ушунда қабул қилинган қарор иккинчи катта йилгилишнинг олинб келиши. Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса ана шу қарор асосида бир неча йилга мўлжалланган планлар тўзиб, уни амалга ошириш учун курашмоқда.

Кейинги вақтларда шахрнинг спорт ҳаётида қувончли воқеалар юз берди. Республика I ёшлар спорт ўйинларида йилги-қизларимиз актив иштирок этиди. Спортнинг қатор турлари бўйича област терма командаларида ҳамшаҳарларимиз кўпчилиги ташкил қилди. Спорт ўйинлари якунида эса республика шаҳарлари ичда ўзига ҳос рақобатда бекободликлар биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Бунда айниқса тренерлардан Б. Бондарев, В. Ли, В. Комнатов, В. Тетеревларнинг хизмати катта бўлди. Уларнинг шогирдлари Р. Бобоева, Н. Сафаров, С. Ибрагимов, Ю. Нанкина, А. Маъмуров, О. Гутовон сингари кўплаб вакилларимиз совриндор бўлдилар.

Мисолларин ёшлар спортиндан бошлаб таъиннинг боиси бор албатта. Ёшлар ўртасида янги номлар пайдо бўлгани жойларда физкультура ва спортга эътибор кучайётганини, физкультура ва соғломлаштириш ишлари оммавий тус олганлигини исботлайди.

Шаҳримизда мамлакатимизда доним кетган спортчилар ҳам бор. Масалан, Эдем Муродислов кўп марта СССР чемпиони, жаҳон чемпионатининг бир неча бор совриндори. Андрей Шилкин, Эмир

ўғли Атаменовлар ҳам СССР терма командасига номзоддилар. Яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистон металлургия заводининг «Металлургия» футбол командаси республика кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Лекин бу ютуқлар бизни махфиё эътиборимизга қўйиш керак. Ҳали ишмизда қатор камчиликлар бор. Масалан, цемент комбинати стадионида барчанинг физкультура ва спорт билан шугулланиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилмапти. Кўпчида ечинчи хоналари, душлар ишламайди. Бу ерда мусобақалар камдан-кам ўтказилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш гимнастикаси ҳам талаб даражасида эмас. Корхона маъмурияти, партия, касба союзу ва комсомол ташкилотлари ишчи-хизматчилар яшайдиган турар-жойларда спорт майдончаларини ташкил этиш, борларини намунали аҳволда сақлашни ўйлашлари керак.

Металлургия заводи спорт базасида ҳам ҳамма ишларини яхши деб бўлмайди. Бу ерда спорт иншоотидан фойдаланиш даражаси жуда паст. Спорт секцияларида бор-йўғи 280 киши шугулланмоқда. Айрим цехлардагина ишлаб чиқариш гимнастикаси йўлга қўйилган. Етоқхоналарда ёшларнинг спорт билан шугулланишига ташвиқот ва тарғибот қилиш ишлари ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Ёшларга жисмоний тарбия бодалар боғчасидан, мактабдан бошланади. Кўпгина мактабларда спорт ишлари яхши йўлга қўйилмапти. Масалан, шаҳардаги 4, 9, 11, 12-мактабларда спорт майдончалари ёмон аҳволда қолиб кетмоқда. Шунингдек, ГТО нормаларини бажариш ҳам талабдан анча оракда қолмоқда. Шаҳар «Ёш куч» кўнглиги спорт жамияти бу ишлар билан активроқ шугулланиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарориди маданий-маърифий ва оммавий физкультура ишларини тубдан қайта қуриш бизнинг энг биринчи даражали ишимиз, энг муҳим вазифамиз эканлиги таъкидлаб ўтилган. Партия ва ҳукуматимиз биздан янада принципиаллик, ишга икдорий ёндашшни, ишчанликни талаб қилади. Биз маданий муассасалар, спорт базаларини коммунисitik тарбиянинг таълим пунктларига айлантириш учун куч ва таъриятимизни сарфлаб берамиз.

Ўзбекистон Компартияси Бекобод шаҳар комитетининг биринчи секретари.



В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг стадионга келиб онла билан машгʻулотларда қатнашиши аниқана айланб қолган. Бу ерда «Отам, онам ва мен» спорт оиласи мусобақалари тез-тез ташкил этиб турилади.

Ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Старт» стадионинда 30 дан ортиқ спорт секциялари ҳам ишлаб турибди. Тажрибали тренерлар маҳоратли спортчиларни тарбиялаб етиштиришмоқда.

Суратда: ёш футболчиларнинг машгулот лойти акс этирилган.

Х. Қурбонбоев фотоси. (ЎЗТАГ).



Бўка райониди «Коммунизм» колхозида спортнинг жуда кўп турлари билан шугулланиш имконини берадиган янги спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Суратда: колхоз волейболчи қизлари машқ пайтида.

Л. Гусейнов фотоси.

ШИЙПОНДА СПОРТ ТўГАРАГИ

Тошкент райониди «Ўзбекистон ССР 50 йилги» колхозининг Аноробий Оспанов бошчилиги қилаётган бригадасида сабзавоткорларнинг дам олиш соатларини мазмунли ўтказиш учун бир қатор муҳим тадбирлар белгиланган. Жумладан, бригада аъзолари дала шийпониди газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишиб, шу куннинг муҳим воқеаларидан хабардор бўладилар. Радиодан таралган куй ва қўшиқларини тинглаб дам олишади. Шу билан бир гаилида улар спорт билан ҳам муштақам алоқа ўрнатилган. Унинг бир неча тур

лари бўйича тез-тез ўзаро мусобақалашиб туришади. Яқинда бу ерда спорт тўғрисида ҳам иш бошлади. Унга дастлабки кунданок ўнлаб сабзавоткорлар аъзо бўлиб қирдилар. Шахмат ва шашка бўйича кўпчилик ўз маҳоратини оширмоқда, турнирларда қатнашапти. Тўғрарка бригада бошлиғи А. Оспанов бошчилиги қилади.

Хозирда колхоздаги 3, 5, 12, 15-бригадаларнинг дала шийпонларида ҳам ана шундай спорт тўғараклари ишлаб турипти.

Ж. ЕКУБОВ, спорт инструктори.

МУСОБАҚАЛАР,
УЧРАШУВЛАР

ХОККЕЙЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ
ГОЛИБ

Оржоникиде райониди «Қиёрай» стадиониди чим устида хоккей бўйича ёшлар ўртасида СССР биринчилиги мусобақаларининг ҳал қилувчи учрашувлари бўлиб ўтди. Охириги босқичда Арманистон, Украина, Литва, РСФСР, Ўзбекистон ва Москва шаҳри командалари голиблик учун қизғин кураш олиб бориладилар.

Финалда Москва ва Ўзбекистон хоккейчи қизлари майдонига чиқдилар. Республикани вакиллари 1:0 ҳисобида ғалабани қўлга киритиб, Бутуниттифоқ мусобақасида биринчи ўринни олишга муассас бўлдилар. Иккинчи ўрин москвалиларга, учинчи ўрин эса украинлик спортчи қизларга насиб этди.

ЭЛЬВИРАНИНГ ИККИ
ОЛТИН МЕДАЛИ

Ленинградда енгил атлетика бўйича СССР чемпионати ниҳосига етди. Тошкент медицина институтининг студенти Эльвира Барбашина 200 метр масофада югуришда марра чизгани биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Эльвира кейинги кун 4х100 метр эстафетда «Буковестник» командаси составида қатнашиб, яна бир олтин медалга соҳиб бўлди. Тошкентлик лангар чўп билан сакровни В. Иштутин 5 метр 60 сантиметр баландликка сакраб туртинчи ўринни эгаллади. Тошкентлик динамоичи С. Усов 110 метрга тўсқинлар оша югуришда 13,5 секунд натижа кўрсатиб, ғалаба қозонди. Ҳам, шахримиз, армиячи В. Черников эса уч ҳафталик сакрада 17 метр 35 сантиметр натижа билан, республика рекордини ўрнатди.

С. ДАНИЛОВ.



Ангренда спортнинг оғир атлетика тури тез ривожланимоқда. Суратда: спорт мастери тренер Л. Лигай шогирди В. Брюхов билан. А. Зуфаров фотоси.



Чиноз райониди тез-тез турли мусобақалар ўтказиб турилибди. Бу ерда яқинда район ёш спортчиларининг

Бугун ва эртага областимиз шаҳар ва районларидаги спорт базаларида Физкультурачилар кунига бағишланган байрамлар бўлиб ўтади.

АНГРЕНДА спорт байрами тантаналари асосан «Резинотехника» спорт комплексида ўтади. Бу жой ангреникларнинг сеvimли масканларидан бирига айланган. Комплексе ўтган йил якунидаги кўра куйи физкультура коллективлари спорт иншоотлари кўрик-конкурсиди биринчи ўринни олишга муассас бўлган.

Шанба, ишланба кунлари мазкур стадион яна ҳам гавжум бўлади. Мусобақаларини дастлаб шахмат-шашкача на футболчилар бошлаб беришади. Дарвоқе Ангренда айниқса футбол тез ривожланимоқда. «Шашка» ўтган йил област биринчилигида голиб бўлган бўлса, бу йил

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал курилиш ва транспорт—337010, 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325553; совет курилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт—337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик—325556; редакция бўйича тунги навбатчи—334808, 325353.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА

«КЕЛИНЛАР
КЎЗГОЛОНИ»

(Ўзбек тилида)

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМИ НАМОЙИШИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Постановкачи-режиссёр — М. АВЗАЛОВ.

Ролларда: Турсуной ЖАҒАРОВА, Дилором ЭҒАМ-БЕРДИЕВА, Луиза ҚОСИМОВА, Диас РАХМАТОВ, Голиб ИСКАНДАРОВ, Дилором ИКРОМОВА, Клара ЖА-ЛИЛОВА ва бошқалар қатнашадилар.

Бу фильм катталарга бўлган ҳурматни ва бир-бирига яхши муносабатни сақлаб қолиш ҳақидадир.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

МАҲСУЛОТИ.

«КЕЛИНЛАР КЎЗГОЛОНИ»
ҚУНИДАГИ КИНОТЕАТРЛАРДА НАМОЙИШ
ҚИЛИНАДИ:

10-13 августда — Ғалаба посёлқасидаги «ПОБЕДА» ки-нотеатрида.

10-13 августда — Келес шаҳридаги «СПУТНИК» кино-театрида.

10-13 августда — Пскент шаҳридаги ЎЗБЕКИСТОН 40 ИЙЛИГИ номли кинотеатрда.

16-20 августда — Келес шаҳридаги «СПУТНИК» кино-театрида.

20-22 августда — Бекобод шаҳридаги «ОКТАБР» ки-нотеатрида.

23-25 августда — Бекобод шаҳридаги «ЮБИЛЕЙ» ки-нотеатрида.

24-25 августда — Янгибод шаҳридаги «РАДУГА» ки-нотеатрида.

26-27 августда — Бекобод шаҳридаги «МЕТАЛЛУРГ-ЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ» да.

29-31 августда — Зафар посёлқасидаги «НОДИРА» ки-нотеатрида.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КИНОФИЛЬМЛАР
ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

М. Қориқубов номли Ўзбек Давлат

Филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15, 16, 18, 19 АВГУСТ СОАТ 20.00 да
Анжидон области давлат филармониясининг солисти,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, лирик хо-нанда

ШЕРАЛИ ЖҲАРЕВ

«ШОДЛИК» ашула ва рақс ансамбли

РАҚҚОСА ҚИЗЛАР ГРУППАСИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Билетлар СССР Халқлари Дусллиги саройи кассалари-да соат 14.00 дан сотилмоқда.

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ ЯНГИЎЛ МЕДИ-ЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

фельдшерлик, акушерлик бўлимлари — ўрта мактаблар базасида. Ўқиш муддати — 2 йил 6 ой;
умумий профидаги медицина ҳамширалари бўлими — ўрта умумий таълим мактаблари базасида. Ўқиш муддати — 1 йил 10 ой

болаларни даволаш муассасалари ва яслилар учун меди-цина ҳамширалари бўлими — 8 йиллик умумий таълим мактаблари базасида. Ўқиш муддати — 2 йил 10 ой.

Билим юртининг ўзбек ва рус гуруппаларига 30 ёш-гача бўлган йилги қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директори номига ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкиси (О86/У форма), 4 дона фотосу-рет (3х4 см. ҳажмида), 2 йилдан кам бўлмаган иш стажи-га эга кишилар учун — меҳнат дафтарчасидан қўчирма, паспорт, ҳарбий билет ёки ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилди.

Ўрта мактабни битириб ўқишга кирувчилар: адабиёт (иншо), химия (оғзак)дан кириш имтиҳони топширадилар.

8 йиллик мактабни битириб ўқишга кирувчилар: рус ти-ли (она тилидан (диктант) ва математика (оғзак)дан имтиҳон топширадилар.

АРИЗАЛАР 14 АВГУСТГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИ-НАДИ.

Билим юртига тушган аризаларнинг миқдорига кўра ўқувчилар умумий сонининг 60 проценти атрофида мақ-тур ёрлиги ёки олтин ва кумуш медал олган ўқувчилар ўқишга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Бизнинг адрес: 702800, ГСП, Янгиўл шаҳри, Ленин кў-часи, 56-й.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МТ I

9.00. «Время».
9.40. Физкультурачилар кун-и: Хўжалик фильмлари.
10.10. «Кўлаб» сифатли то-варлар етказиб берайлик.
10.40. Сўн спортчи турлари бўйича Европа чемпионати.
11.15. Телефильм.
11.45. «Р» хўжалик. Теле-визион бадий фильм. 3-сери.
13.00. «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
13.35. «Бугун» — Физкульту-рачилар кунин. СССР Спорт комитетининг раиси М. В. Гра-мов сўзи.
14.10. Тележурнал.
14.40. «Камалат». Халқ инно-ваци телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали.
15.00. Т. Кузовлева, «Оби-ха-эт».
15.45. Сийсий шарҳловчи Г. В. Прикин сўхбати.
16.15. «Муъжизаси» — муъ-жизалар.
17.20. Мультифильм.
17.35. Телефильм.
18.35. СССР халқ артисти О. Бардина ироисида совет ном-позиторларининг қўшиқлари.
18.50. Ёшларнинг Марксия телевидение сийсий шарҳловчи-си Ф. Сейфулла-Мулюков билан учрашуви.
20.15. «Дўстлар қўшиқлари ва раислари».
21.30. «Время».
22.00. Футбол бўйича СССР чемпионати.
«Днепр» 2-тайм.
22.45. «Агар соғлом бўлай-диган».
23.00. Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Киев), 2-тайм.
23.50. Янгиликлар.
ЎТВ I
7.25. Кўрсатувлар праграмма-си.
7.30. Ритмик гимнастика.
7.50. «Турналар». Телефильм.
8.20. Вроч маслаҳати.
8.30. «Ахборот».
8.50. «Танбур» наволари.
Концерт.
9.10. «Кинопублицист экран» (рус.).
9.55. Физкультурачилар кун-и: «Тренер». Бадий фильм.
11.15. Музей Карим. «Ойгу-дир».
11.55. «Заманаси». Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун кўр-сату (қозоқ тилида).
13.20. «Заманаси».
13.50. Кўрсатувлар праграм-маси.
18.05. «Петя ва Қизил Шап-ка». Мультифильм.
18.25. Болалар учун. «Бол-алар бу камалатлар жило-си» (рус.).
19.00. «Ота-оналар универси-тет».
19.30. «Ахборот» (рус.).
19.45. «Бир асар тарихи». К. Яшин. «Идули юлдуз». Кўр-сатуи Абдулла Орипов олиб бо-лади.
20.30. «Ахборот».
20.50. «Кизлар гулдастаси».
21.30. Москва. «Время».
22.00. Курувчилар кунига. «Нисонин арлоқданг». Бадий фильм. 1-сери.
23.15. Кўрсатувлар праграм-маси.
ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИНИНГ ПРОГРАММАСИ

